

КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АХАМИЯТИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Туранов Сухроб Баходир ўғли

Тошкент Кимё халқаро университети катта ўқитувчиси

sukhrobturanov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15544775>

Инновациялар фаровонликни ошириш ва узоқ муддатли барқарор ўсишни таъминлашнинг калити сифатида тобора кўпроқ қаралмоқда. Инновация иқтисодий ўсиш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида тан олинган бўлиб, уни кенг маънода янги маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларни ишлаб чиқиш, жойлаштириш ва иқтисодий фойдаланиш сифатида таърифлаш мумкин. Сўнгги ўн йилликлар олдинги ўсиш моделларининг такомиллаштирилганига гувоҳ бўлдики, у жисмоний шахслар томонидан таълимга инвестицияларни ва корхоналар томонидан илмий-тадқиқот ишларни, инновацион технологиларни қўлланилишини ўз ичига олади. Жаҳон иқтисодиёти янада интеграциялашган ва ўзаро боғлиқ бўлиб бораётганлиги сабабли, тадбиркорлар ва корхоналарнинг рақобатчиларга қараганда тезроқ янги маҳсулот ва жараёнларни тижоратлаштириш орқали глобал бизнес имкониятларидан фойдаланиш қобилияти мамлакатнинг иқтисодий бойлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хўш, корхоналар инновацион фаолият эвазига нималарни кутадилар? Асосийси, улар илмий-тадқиқот инвестициялари янги маҳсулотлар, хизматлар ва бизнес моделларини ишлаб чиқишлари мумкин бўлган муҳим технологияни беришига умид қилишади. Аммо илмий-тадқиқот ва ишланмалар ҳақиқий қийматга ега бўлиши учун унинг роли корхонанинг миссиясида, бошқарув-хисоб сиёсатида марказий тарзда киритилган бўлиши керак. Илмий-тадқиқот корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш ва шакллантиришга ёрдам бериши керак, шунда у корхонанинг устувор бозорлари учун табақалаштирилган таклифларни ишлаб чиқади ва стратегик вариантларни очиб беради, янги платформалар орқали бизнесни қайта жойлаштиришнинг истиқболли усулларини таъкидлайди. Шунга қарамасдан бугунги кунда кўпгина корхоналарда, корхонанинг интилишларини амалга ошириш учун зарур бўлган аниқлик, тезкорлик ва ишончга ега бўлган инновацион стратегияси йўқ. Илмий-тадқиқот ишлари корхонанинг инновацион двигатели бўлиб хизмат қилиш ўрнига, корпоратив устуворликлардан ажралиб, бозордаги ўзгаришлардан узилиб қолади ва бизнес тезлиги билан қарама-қаршиликка дуч кела бошлайди. Муваффақиятли





инновациялар киритаётганлар ва инновация қилмаётганлар ўртасидаги тафовут ортиб бораётган бир шароитда, рақобатчилардан олдинда бўлишни ва олдинда қолишни истаган корхоналар ўзларининг инновацион инвестицияларидан максимал даражада фойдаланадиган мустаҳкам илмий-тадқиқот стратегиясига муҳтож. Бундай стратегияни яратиш уч босқичдан иборат:

илмий-тадқиқот ишларида муваффақиятга тўсқинлик қилувчи муаммоларни тушуниш;

инновацион стратегия учун тўғри таркибий қисмларни танлаш;

стратегияни амалга оширишдан олдин уни босим синовидан ўтказиш.

Глобаллашув шароитида корхоналарнинг замонавий инновацион фаолиятини амалга оширишда илмий-тадқиқот ишлари давомида дуч келинадиган қуйидаги асосий муаммоларни келтириб ўтамыз.

дастурий таъминотга тобора ортиб бораётган боғлиқлик, симуляция ва автоматлаштириш технологияларининг мавжудлиги, илмий-тадқиқот ишларининг ўтказувчанлигини ошириш билан бирга, тажрибалар нархининг кескин пасайишига олиб келди. Корпоратив инновациялар суръати, рақамли ва биотехнология каби кенг қўлланиладиган технологияларнинг етакчи саноат ўйинчиларидан ташқарида пайдо бўлиши билан янада кучаймоқда;

Инновацион лойиҳаларда масъулият кўрсаткичлари кам. Аксарият секторлардаги илмий-тадқиқот гуруҳлари тараққиётни ўлчаш ва етказиш учун самарали механизмларга ега емас. Муваффақиятсизлик эксперимент сифатида тушунтирилса ва муваффақият фойдадан кўра патент билан тавсифланса, корпоратив раҳбарлар илмий-тадқиқот ишларининг ҳиссасини ҳисоблашда қийналишади. Натижада инновацион лойиҳа учун ажратилган маблағлар учун жавобгарлик хисси юқори қийматга эга эмаслиги ҳолати мавжуд. Бу ҳолат корхоналарнинг тараққиёт миссиясига сезиларли даражада салбий таъсир кучига эга фактор ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган кичик бизнесни ривожлантиришни тартибга солиш шаклларида нусха олишга катта қизиқишлар учраб туради. Бироқ, мамлакатимиз ҳудудларида қўлланиладиган, бундай механик равишда амалга ошириладиган хорижий тажрибалар, кўпинча бу соҳани ривожлантиришга ёрдам бермасдан, балки унинг ҳақиқий хусусиятларининг деформацияланишига ва тадбиркорликнинг илғор шаклларининг заифлашувига олиб келмоқда.



Ўзбекистонда мавжуд бўлган шарт – шароитларнинг ўзига хослиги, ишлаб чиқариш тузилмасининг жорий аҳволи, уларни ўзгартиришга етарли даражада катта харажатларни талаб қилади. Республикада умумий корхоналар хажмининг юқори қисми айнан кичик ва ўрта тоифадаги корхоналар хажмига тўғри келмоқда.

1-жадвал.
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши.¹

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	2023	2024
ЯИМ	57,5	56,9	54,6	54,3	54,3
Саноат	27,9	27,4	26	27	32,4
Қурилиш	72,5	72,5	71,5	78,6	76,5
Бандлик	74,5	74,5	73,9	74	-
Экспорт	20,5	20	31,2	27,9	33,3
Импорт	51,7	45,2	49,5	50,5	48,6

Ишлаб чиқаришда монополлаштириш даражасининг юқорилиги кичик бизнесни ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан ҳисобланиб – у нархларнинг ўсиб бориши, шартнома муносабатларини бажаришда лоқайдлик қилиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун рағбатларнинг йўқлиги, маҳсулот сифатини ошириш ва харажатларни камайтириш кўринишида намоён бўлади. Ишлаб чиқаришдаги рақобатбардошликнинг пастлиги аксарият соҳаларда инновацион технологик базанинг ортда қолганлиги, қувват ва ресурслар сиғимининг юқорилиги, маҳсулот сифатининг пастлиги ва харажатларнинг кўплиги сабабли содир бўлмоқда. Бир қатор емпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корхонанинг молиявий имкониятлари ва харажатлари инновацион технологияга асосланган корхонанинг иқтисодий ўсиш қобилиятига таъсир қилувчи енг муҳим омиллардан биридир. Бу, айниқса, бозорга янги маҳсулотни жорий етиш босқичида тўғри келади, чунки моддий бўлмаган ва ўзига хос ресурсларни ишлаб чиқиш учун молия зарур.² Бундай ҳолатда йирик молиявий қувватга эга компанияларгина харажатларини диверсификация қилиш орқали инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун молиялаштириш режасини киритадилар.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда. 2020–2024 йиллар давомидаги статистик таҳлиллар ушбу секторда сезиларли ўзгаришлар рўй берганини кўрсатмоқда (1-жадвал). Хусусан, саноатдаги улуши 27,9 фоиздан 32,4 фоизга ошган бўлиб, бу ишлаб чиқариш жараёнларида кичик корхоналар фаоллигининг ортиб бораётганини англатади. Қурилиш ва бандлик соҳаларида ҳам секторнинг улуши доимий равишда юқори бўлиб қолмоқда.

Айниқса, экспортдаги улуш 2020 йилдаги 20,5 фоиздан 2024 йилда 33,3 фоизгача ошгани кичик бизнеснинг ташқи бозорларга интеграциялашув суръатлари кучайганини билдиради. Шу билан бирга, ЯИМдаги улушнинг 57,5 фоиздан 54,3 фоизгача камайгани кичик бизнеснинг умумий иқтисодий фаолиятдаги позициясини мустаҳкамлашга доир қўшимча чоралар зарурлигини кўрсатади.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг инновацион, экспортбоп ва меҳнат бозорига йўналтирилган сегменти сифатида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда инновациялар жаҳон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий драйверга айланган. Рақамлаштириш, сун'ий интеллект, биотехнология ва қайта тикланувчи энергия каби соҳалардаги технологик инқилоб туфайли корпорациялар инновацион фаолиятга кенг кўламда сармоя киритишга мажбур бўлмоқда. Бу эса нафақат бозордаги устунликни сақлаш, балки капитал бозорларидаги молиявий барқарорликни таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларга кўра, 2023 йилда дунёдаги етакчи технология гигантлари ўзининг илмий-тадқиқот ва ишланмалар (R&D) фаолиятига рекорд даражадаги маблағларни ажратди³:

Amazon — 85,6 миллиард АҚШ доллари, бу уни дунёдаги энг кўп R&D сармоя киритаётган компанияга айлантирди;

Apple — 29,9 миллиард АҚШ доллари (ўсиш суръати 14%);

Microsoft — 27,2 миллиард АҚШ доллари, бу компания умумий даромадининг тахминан 13%ини ташкил этди;





Huawei — 164,7 миллиард юань ёки тахминан 22,8 миллиард АҚШ доллари, бу компаниянинг умумий тушумининг 23,4%ини ташкил этди.

Бу ҳолат шундан далолат берадики, технологик инновациялар фақатгина стратегик муваффақият гарови бўлиб қолмасдан, трансмиллий корпорациялар томонидан капиталга эгалик қилиш, маҳсулотлар дифференциацияси ва рақобатда устунликка эришиш воситаси сифатида қаралмоқда. Масалан, Amazon'нинг инновацион сармоялари сун'ий интеллект, логистика робототехникаси ва булутли ҳисоблаш хизматларини чуқурлаштиришга йўналтирилган. Apple ва Microsoft эса ўз инновацияларини фойдаланувчи тажрибаси ва экотизим интеграциясига қаратган.

Ушбу тенденциялардан келиб чиқиб, Ўзбекистон каби ривожланаётган иқтисодиётлар учун инновацион сармояни жалб этиш, R&D салоҳиятини мустаҳкамлаш ва хусусий сектордаги технологик модернизацияни рағбатлантириш стратегик устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

